

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛАФРЎЗ БАҲОДИРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЗЎРИҚИШДАГИ БОШ ОҒРИҚЛАРИ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ГИРУДОТЕРАПИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ
АЛГОРИТМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in medical
science**

Ахмедова Дилафрўз Баходировна

Сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари
профилактикасида гирудотерапиядан
фойдаланиш алгоритмини такомиллаштириш 5

Ахмедова Дилафруз Баходировна

Усовершенствование алгоритма применения
гирудотерапии для профилактики хронической
головной боли напряжения 24

Akhmedova Dilafruz Bahodirovna

Improvement of the algorithm for the
use of hirudotherapy for the prevention
of chronic tension headache 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА ДИЛАФРЎЗ БАҲОДИРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЗЎРИҚИШДАГИ БОШ ОҒРИҚЛАРИ
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ГИРУДОТЕРАПИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ
АЛГОРИТМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.3.PhD/Tib2111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsdi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Туруспекова Сауле Тлеубергеновна
тиббиёт фанлари доктори,
профессор (Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Азизова Раъно Баҳодировна
Тиббиёт фанлари доктори
Самарқанд давлат тиббиёт институти


Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» декабр соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, e-mail:bsmi.uz)


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (052 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007 Бухоро, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50.


Диссертация автореферати 2021 йил «04» декабр кунни тарқатилди.

(2021 йил «04» декабр даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,
профессор


С.С. Пулатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотиغا кўра, бош оғриғи меҳнатга лаёқатсизликка олиб келувчи касалликлар орасида 3-ўринни эгаллайди. Дунёнинг турли мамлакатларида ушбу касаллик катта ёшли аҳоли орасида 50%гача учрайди, сурункали бош оғриқларидан 1,7-4% катта ёшли аҳоли азият чекади¹. Илмий манбаларда «...аҳолининг 85%и даврий бош оғриқларини ҳис этишади, уларнинг 40%и ижтимоий ва меҳнат фаоллиги сусайишини ҳис этишади ва бу малакали тиббий ёрдамни талаб қилиши.....»² келтирилади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳолининг тўртдан уч қисмида сўнгги бир йил ичида камида бир марта бош оғриқ хуружи кузатилади, сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари эса 2-3% аҳолида кузатилади³. Зўриқишдаги бош оғриқлари эпизодик шакллари йирик тиббий ёки ижтимоий муаммо ҳисобланмайди, сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари эса бемор кундалик ҳаёт фаолиятини ва сифатини яққол бузиб, турли депрессия, уйқунинг бузилиши, соматоформ бузилишлар каби коморбид бузилишлар билан бирга кечади, самарали муолажа танлаш қийинлиги сурункали зўриқишдаги бош оғриғини мураккаб ижтимоий-тиббий муаммо даражасига олиб чиқади.

Жаҳон миқёсида сурункали зўриқишдаги бош оғриғида клиник-неврологик ва нейропсихологик ўзгаришларни олдини олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш, эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усулларини йўлга қўйиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда олиб борилган кўп тармоқли изланишлар шуни кўрсатадики, сурункали зўриқишдаги бош оғриғида олий асаб тизими ва вегетатив тизимда ўзгаришлар динамикада турлича намоён бўлади ҳамда ўзига хос симптомокомплекс билан намоён бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи билан оғриган беморларда клиник-объектив, нейропсихологик бузилишлар, нейрофизиологик ва нейровизуал ўзгаришларни солиштирма ташхиси, беморларни эрта ташхислаш, этиопатогенетик асосланган даволаш ва профилактика усулларини таклиф этиш, даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади⁴.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар

¹Лихачев С. А., Глеб О. В., Чернуха Т. Н. Возможности лечения хронической головной боли препаратами ботулотоксин типа А //Российский журнал боли. – 2018. – Т. 56. – №. 2. – С. 39-40.

² Наприенко М. В., Головная боль напряжения. Повторение пройденного// Consilium medicum.2019-80

³ ЖССТ документация маркази. Бош оғриғи. Информацион бюллетень № 277, 2012 йил октябрь

⁴ Ахмедова Д. Б. Сурункали зўриқишдаги бош оғриқларида бемор нейропсихологик ҳолатига даволаш чораларининг таъсирини қиёсий баҳолаш // Academic research in educational sciences volume 2 | issue 10 | – Тошкент 2021. –Б.408-413.

амалга оширилмоқда, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи бўлган беморларда касалликни эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»⁵ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар беморларда сурункали зўриқишдаги бош оғриғини комплекс даволашда гирудотерапия усулининг самарадорлигини клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал таъсирини баҳолаш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бош оғриғи шифокорга мурожаат қилаётган беморларнинг энг кўп учрайдиган шикоятлари бўлиб, шу сабабли кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтиради. Бу борада кўплаб чет эл ва Россия тиббий нашрларида кўрсатиб ўтилган (Наприенко М. В., 2019; В. В. Осипова, Табеева Г.Р., 2017; Сергеев А.В., 2018; Садоха К.А., 2014; Белимова Л.Н., Балязин В.А., 2016; Максимова М.Ю., Хохлова Т.Ю., Пирадов М.А., 2016;). Муаллифлар COVID-19 пандемиясининг зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренга таъсирини ўрганган (Лу Р., Gerhart W, 2020). Дори воситаларини ҳаддан ортиқ ишлатиш дори воситасидан келиб чиққан бош оғриқлар чақирилишига сабаб бўлиши келтирилган (Хохлова Т.Ю., Пирадов М.А., 2016). Муаллифлар маълумотларига кўра, сурункали бош оғриқларини адекват даволаш учун ихтисослашган марказлар бўлиши лозим, даволаш тадбирлари протоколлар асосида олиб борилиши керак (Гольдман Р.Е.,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Дамуш Т.М., 2020). Бош оғриқлари бемор кундалик ҳаёт фаолияти ва ҳаёт сифатини яққол бузиб, турли коморбид бузилишлар (депрессия, уйқунинг бузилиши, соматоформ бузилишлар) билан бирга кечиши, самарали даво усуллари танлаш қийинлиги сурункали зўриқишдаги бош оғриғини мураккаб ижтимоий-тиббий муаммо даражасига олиб чиқиши таъкидланган (Сергеев А.В., 2018). Муаллифлар бирламчи бош оғриқларини даволашда хуружни олдини олиш ва бош оғриқ сони, давомийлиги ва оғриқ кучини камайтириш самарали эканлигини таъкидлашган (Максимова М.Ю., 2016).

Сурункали зўриқишдаги бош оғриқларини даволашда рефлексотерапия (Сафонов М.И., 2016), фармакоакупунктура (Белимова Л.И., 2019) усуллари ишлаб чиқилган. Бош оғриқларини даволашда тиббиёт зулуғи ва дори воситасини биргаликда қўллаш дорининг даволовчи дозасининг ҳамда ножўя таъсирлар камайишига олиб келади. Бирламчи бош оғриқларини даволашда тиббиёт зулуғидан фойдаланишда перикраниал мушаклар таранглашуви камайганлигини аниқланган (Поспелова М.Л., Наприенко М.В., 2017), бироқ сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари ремиссияси қанча вақтга чўзилганлиги, қайси биологик фаол нуқталарга тиббиёт зулуғи қўйилганда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал ўзгаришларни баҳолаш ўрганилмаган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олимлар томонидан бош оғриқларининг патогенетик механизмларини очиб беришга, касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига оид қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Саноева М.Ж., 2020; Алиджанова Д.А., Мажидова Ё.Н., 2017). Республикамизда транзитор ишемик инсульт касаллигини даволашда тиббиёт зулуғидан фойдаланиш афзалликлари ўрганилган (Эргашева Н.О., 2010).

Ушбу йўналишда кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамасдан, сурункали зўриқишдаги бош оғриғида вегетатив асаб тизими ўрни ҳақида маълумотлар етарли эмас, бу эса мазкур муаммо бўйича батафсил клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказиш заруриятини кўрсатади. Хорижий ва маҳаллий манбалар маълумотларда бош оғриқлари профилактикасига ва даволашга нисбатан қарама-қарши маълумотларнинг учраши ушбу тадқиқотни ўтказишга сабаб бўлди. Келтирилган илмий ишда тиббиётда самарали ва эрта ташхислашнинг етакчи усулларида фойдаланган ҳолда сурункали бош оғриқларида гирудотерапиянинг даволаш самарадорлиги кенг очиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03.2019.PhD048 «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патология ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Сурункали зўриқишдаги бош оғриқларини ташхислаш ва комплекс даволашда янгича ёндашув орқали сурункали зўриқишдаги бош оғриқларида гирудотерапия усулининг натижасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

текширилаётган контингентда сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари клиник-объектив хусусиятларини ўрганиш;

сурункали зўриқишдаги бош оғриқларини ташхислашда нейрорпсихологик тест кўрсаткичлари таҳлилин баҳолаш;

сурункали зўриқишдаги бош оғриқларида гирудотерапиянинг нейрофизиологик таъсирини баҳолаш;

сурункали зўриқишдаги бош оғриғи мавжуд беморлар акупунктур нуқталарига тиббиёт зулугини қўйиш орқали оғриқ интенсивлиги ва давомийлигига таъсирини баҳолаш;

сурункали зўриқишдаги бош оғриқлар олдини олиш бўйича ташхислаш ва даволаш алгоритминини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳридаги “АЗИЗМЕД-ШИФО” хусусий неврологик клиникаси, Бухоро шаҳридаги “СARMEN PLUS” кўп тармоқли клиникасида 2019-2021 йиллар давомида турли ёшдаги 117 нафар сурункали зўриқишдаги бош оғриғи билан касалланган бемор ва назорат гуруҳи сифатида 30 нафар соғлом инсон олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-объектив, нейрофизиологик, нейровизуал текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали зўриқишдаги бош оғриғида клиник, нейрофизиологик ва нейровизуал текширув натижаларига асосланган сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ривожланишининг клиник объектив механизмлари аниқланган;

зўриқишдаги бош оғриқларини ташхислашда нейрорпсихологик сўровномалар, нейрофизиологик текширувлар самараси исботланган;

Ўзбекистонда илк бора бирламчи бош оғриқлари сурункали шаклларида гирудотерапия акупунктур нуқталарга қўлланилган ҳолда анъанавий даво билан қиёсий натижавийлиги ўрганилган.

сурункали зўриқишдаги бош оғриғида клиник, психоэмоционал, электроэнцефалографик натижаларга асосланган комплекс даволаш усули (гирудотерапия ва амитриптилин, ибупрофен, мидокалм)нинг самарадорлиги исботланган, гирудотерапиядан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали зўриқишдаги бош оғриғида когнитив, шахсий эмоционал бузилишларни динамикаси ўрганилган ва уларни нейрофизиологик, нейровизуал текширувлар билан корреляцияси амалга оширилган, сурункали зўриқишдаги бош оғриғида вегетатив асаб тизими томонидан ўзгаришлар мавжудлиги илмий исботланган;

антидепрессант воситаларини ёмон кўтарадиган кишилар, кўшимча касалликлари мавжуд кишиларга юқори дори юкламаси бор беморлар, меҳнат ва ижтимоий қарши кўрсатмаси борлар - ҳайдовчилар, бошқа диққат талаб қиладиган ишда ишловчилар учун, шунингдек дори воситаси қабул қилишдан бош тортадиган беморларга номедикаментоз усуллардан, бизнинг мисолимизда акупунктур нуқталарга гирудотерапия қўллаш усулидан фойдаланиш самарадорлиги исботланган.

Ўзбекистон учун цефалголог ва гирудотерапевт мутахассисларга эҳтиёж борлиги кўрсатилган. Маълум бўлган ташхислаш дастурлари асосида невролог ва умумий амалиёт шифокорлари учун бирламчи бош оғриқларини эрта ташхислаш имконини берувчи комплекс нейрофизиологик ва нейровизуал текширув усуллари ишлаб чиқилган ҳамда неврологик илмий-текшириш маркази, стационар ва амбулатор шароитида фойдаланиш учун таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, ташхислаш ва даволаш усулларини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижанинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали зўриқишдаги бош оғриғи билан касалланган беморларда клиник-объектив, неврологик ва нейропсихологик бузилишларни динамикада тўғри таҳлил қилиб бориш, когнитив, шахсий-эмоционал бузилишларни динамикада баҳолаб бориш ва чуқур ўрганиш, қиёсий ташхис ўтказиш, шунингдек даволаш муолажаларини ўз вақтида ва исботланган тиббиётга асосланиб ўтказиш, касаллик профилактикасида гирудотерапия усулидан фойдаланиш касалликнинг ривожланишини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали зўриқишдаги бош оғриғи профилактикасида гирудотерапиядан фойдаланиш алгоритмининг такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи касаллиги мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуал текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган;

сурункали зўриқишдаги бош оғриғи касаллиги мавжуд беморларда касалликнинг исталган босқичида гирудотерапия қўлланилишидан олинган илмий натижалар асосида «Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренда гирудотерапия усулининг қўлланилишида терапевтик ёндашувининг ўзига хослиги» номли услубий тавсиянома тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12-октябрдаги 8н-р/909-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда гирудотерапия қўлланилишининг клиник аҳамиятини очиб бериш имконини берган;

сурункали зўриқишдаги бош оғриғи касаллиги мавжуд беморларда вегетатив бузилишларни аниқлаш учун олинган илмий натижалар асосида «Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренда вегетатив бузилишларнинг аниқланиши» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12-октябрдаги 8н-р/910-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда вегетатив бузилишларни эрта аниқлаш имконини берган;

сурункали зўриқишдаги бош оғриғи касаллиги мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик текширувларни корреляцион таҳлили ҳамда даволашда гирудотерапиянинг қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро туман тиббиёт бўлими, Бухоро вилоят Вобкент туман тиббиёт бўлими клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил октябрдаги 8н-з/379-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали зўриқишдаги бош оғриғи касаллиги мавжуд беморларда вегетатив ва олий нерв фаолияти бузилишларини эрта ташхислаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, профилактик ёрдам сифатини ошириш, мазкур касалликларни даволашда гирудотерапиядан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда 1 та ЭҲМ дастури тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби «Сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари профилактикасида гирудотерапиядан фойдаланишнинг замонавий талқини» деб номланган бўлиб, уч бўлимдан иборат, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи (СЗБО) тарқалиши ва ривожланиш омиллари, ташхислаш, даволаш, гирудотерапиянинг организм биопотенциалларига таъсири чуқур ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усулларининг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари профилактикаси материал ва усуллари» деб аталиб, клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига бағишланган, шунингдек, олинган натижани статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Илмий-тадқиқот иши 2019-2021 йилларда Бухоро шаҳридаги «АЗИЗМЕД-ШИФО» хусусий неврологик клиникаси ва «CARMEN PLUS» кўп тармоқли клиникаларида стационар ва амбулатор шароитида даволанган СЗБО ташхиси мавжуд 117 нафар беморнинг клиник-неврологик, нейропсихологик, инструментал текширув услублари таҳлилларига асосланган. Беморлар ёши 18-59 (ўртача ёши $36,91 \pm 10,16$). Уларнинг 30 (25,64) % эркак ва 87 (74,36) %ини аёллар ташкил қилади. Беморларнинг ёши бўйича тақсимланишининг ўзига хослиги барча ёшдаги гуруҳларда аёллар устун келмоқда. Даво муолажаларини баҳолаш мақсадида беморлар икки гуруҳга ажратиб ўрганилди, биринчи гуруҳни 57 нафар сурункали зўриқишдаги бош оғриғи кузатилган ва анъанавий даво муолажалари қўлланилган беморлар, иккинчи гуруҳни СЗБО кузатилган анъанавий+гирудотерапия усулида даво муолажалари олган 60 нафар бемор ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳини амалий соғлом 30 нафар бемор ташкил этди. Беморларни ташхислаш мезони сифатида халқаро бош оғриғи таснифи 3-кўриш (2018 йил) олинди.

Клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал текширувлар ўтказилди. СЗБО билан касалланган беморларда когнитив бузилишлар, вегетатив асаб тизими томонидан ўзгаришлар ва шахсий-эмоционал бузилишлар таҳлил қилинди. Вегетатив бузилишларни аниқлаш мақсадида Кердо индекси ва Хильденбрандт коэффицентидан фойдаланилди. Клиник амалиётда ва илмий тадқиқотларда когнитив бузилишларни ташхислаш учун нейропсихологик текшириш усуллари қўлланилади. Охириги пайтларда кенг қўлланилаётган ва тез ишонарли натижа берадиган нейропсихологик усуллардан бири умумий когнитив фаолиятнинг пасайганлигини хотирага урғу қўйиш билан умумий баҳолаш учун Рейсберг шкаласидан (2008), бош оғриғи кучини баҳоловчи ВАШ шкаласидан фойдаланилди. Шахсий-эмоционал сферага баҳо бериш учун суҳбат ўтказиш тестлари Спилберг-Ханин (1976) ва Зунг (1981)

сўровномалари қўлланилди. Спильберг-Ханин тести орқали хавотирлик даражалари аниқланди.

Барча гуруҳларда неврологик кўрик ўтказилиб, бош мия МРТси, ЭЭГ таҳлили ўтказилди.

Олинган маълумотлар шахсий компьютердаги EXCEL дастури бўйича ишлаб чиқилган ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қиймат (частота, %), хатолик эҳтимоли (P) каби статистик функциялардан фойдаланиб ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолаш учун «t» (Стьюдент кўрсаткичи) ишончилилик коэффициентидан фойдаланилди.

Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида бўлганда қийматлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Шу билан бирга, клиник ва лаборатор тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди (Зайцев В.М. ва бошқ., 2003).

Диссертациянинг «**Сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари кузатилган беморларнинг клинко-неврологик ва нейровизуалогик ҳолатини баҳолаш**» деб аталган учинчи бобида СЗБО ташхислашда невролог мутахассисларнинг хатоликларини баҳолаш онлайн сўровномаси натижалари таҳлил қилинган. СЗБО мавжуд беморларда клиник неврологик ва нейропсихологик бузилишларнинг динамикада баҳоланиши натижасида олинган натижалар кўрсатиб берилган. СЗБО беморларида жинс, ёш, бошланиш муддати ва касаллик давомийлиги кўрсаткичлари таҳлили ўтказилди (1-жадвалга қаранг).


1-жадвал

СЗБО беморларида жинс, ёш, бошланиш муддати ва касаллик давомийлиги кўрсаткичлари.

Кўрсаткич	СЗБО
Эркаклар	25,6%
Аёллар	74,4%
Ўртача ёш (йил)	36,8±10,02
Касаллик дебюти (йил)	20±7
Касаллик давомийлиги (йил)	4,4±2,6
Бир ойдаги касаллик кунлари	19±4
Бир ойдаги анальгетик қабул қилинган кунлар	11,3±2,4
БО эпизодлари давомийлиги (соат)	5,8±1,3

СЗБО мавжуд беморлар жинси бўйича тақсимот 30 нафар эркак, 87 нафар аёлни ташкил этди. ЗБО да касалликнинг дебюти 20±7 ёшни ташкил этди.

СЗБО мавжуд беморлар пальпатор текширувида перикраниал мушаклар таранглашуви 71 нафар беморда аниқланди, 46 нафар беморда мушак таранглашуви аниқланмади. Мушаклар таранглашуви айрим ҳолларда бир неча мушаклар гуруҳида аниқланди, одатда, симметрик билатерал, айрим ҳолларда таранглашув даражасида симметрия аниқланди (1-расмга қаранг).




1-расм. Пальпатор текширувда бош ва бўйин мушаклари таранглашувининг аниқланиши.

Мушаклар таранглашуви билан ва таранглашувсиз кечадиган ЗБО беморларида статистик фарқлар кузатилмади.

СЗБО мавжуд беморларда оғриқ даражасини аниқлаш учун ўтказилган ВАШ шкаласида ўртача балл $7,4 \pm 0,87$ баллни ташкил этди.

Перикраниал мушаклар таранглашуви билан ва таранглашувсиз кечадиган беморларда бош оғриғи кунлари ва анальгетик восита қабул қилиш кунларида сезиларли фарқ кузатилмади. Қизиқ томони шундаки, мушак таранглашуви беморларнинг ВАШ шкаласи бўйича оғриқ сезиш даражасига таъсир қилмади. Таранглашган мушакларда гипералгезия зоналари бўлишига қарамай ВАШ шкаласи бўйича БО интенсивлигини қиёсий таққослашда статистик сезиларли фарқ аниқланмади.

СЗБО беморларининг психоэмоционал ҳолатини Спилберг-Ханин ва Зунг сўровномаларига асосан баҳоладик. Ч.Д.Спилберг, Ю.Л.Ханин хавотир даражасини аниқлаш шкаласи ўрганилганда 19 (16,2%) нафар беморда паст хавотир, 17 (14,5%) нафар беморда енгил хавотир, 13 (11,1%) нафар беморда юқори хавотир кузатилди (2-расмга қаранг).




2-расм. Ч.Д.Спилберг, Ю.Л. Ханин хавотир даражасини аниқлаш шкаласи

Жадвалдан кўришиб турибдики, реактив ва шахс хавотири паст ва енгил шаклларда кечади. Шахс хавотири реактив хавотир даражасидан устунлик қилади. Юқори даражадаги хавотир 13 нафар беморда, енгил хавотир 17 нафар беморда, паст хавотир 19 нафар беморда аниқланди. Кўрсаткичлардан келиб чиқиб, реактив хавотир даражаси нотурғун кўрсаткич эканлигини баҳолашимиз мумкин. Реактив хавотир даражаси беморнинг айни дамда стресс вазиятига, стресс кучига боғлиқ.

Шахс хавотири шахсият хусусиятларига боғлиқ бўлиб, унинг исталган ўзи учун стресс бўлган вазиятдан чиқиб кетишга интилиши билан боғлиқ.


Шахс хавотири СЗБО беморларида асосан паст ва енгил шаклларда кечди. Олинган маълумотлар шахс хавотири билан СЗБО клиник кечиши орасида боғлиқлик бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Зунг депрессияни аниқлаш тести натижалари 117 нафар СЗБО беморларида ўтказилди. Зунг депрессияни аниқлаш тести натижаларидан кўринадики, 44 (37,6%) нафар беморда депрессия ҳолати аниқланмаган бўлса, 60 (51,3%) нафар беморда вазиятга боғлиқ енгил депрессия кузатилди. Субдепрессив ёки ниқобланган депрессия ҳолати умумий беморларнинг 10 (8,5%) нафарида, чин депрессия ҳолати эса фақатгина 3 (2,6%) нафарида кузатилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Зунг депрессияни аниқлаш тести натижалари.


Мак Гигл оғриқни баҳолаш сўровномаси натижаларига кўра фақатгина 1 (0,85%) нафар беморда пулсланувчи оғриқлар, 47 (40,2%) нафар беморда босувчи оғриқлар, 45 (38,5%) нафар беморда қисувчи оғриқлар кузатилган. Беморларнинг безовта қилувчи оғриқлардан шикоят 13 (11,1%) нафарида мавжуд бўлса, 9 (7,7%) нафарида холдан тойдирувчи оғриқлар, 22 (18,8%) нафарида ваҳима чақирувчи оғриқлар кузатилган (4-расмга қаранг).



4-расм. Мак Гигл оғриқни баҳолаш сўровномаси натижалари

Бундан ташқари 117 беморнинг умумий когнитив фаолияти пасайганлигини аниқлаш мақсадида хотирани умумий баҳолашда Рейсберг шкаласидан (2008) фойдаландик. СЗБО мавжуд 41% беморда хотира нормал

ҳолатда, 38% субъектив хотира бузилиши, 1,5% енгил даражада когнитив фаолият бузилиши аниқланди. Ўрта, оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади. Амалий соғлом инсонларнинг (n=30) барчасида хотира нормал ҳолатда. Енгил, ўрта, оғир, ўта оғир даражада когнитив фаолият бузилишлари кузатилмади (5-расмга қаранг).



5-расм. Беморларда умумий хотирани баҳолаш учун Рейсберг шкаласи натижалари.


Кердо индекси – вегетатив нерв тизими фаолиятини баҳолашда ишлатиладиган кўрсаткич. Қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\left(1 - \frac{ДАБ}{ЮҚС}\right) \times 100,$$

Бунда ДАБ — диастолик артериал босим (мм. см. уст.), ЮҚС — бир минутдаги юрак қисқаришлар сони .

Кердо индексининг интерпретацияси: агар кўрсаткич 0 дан баланд бўлса симпатикотония, 0 дан паст бўлса ваготония деб баҳоланади.

Кердо индекси натижаси таҳлил қилинганда СЗБО мавжуд 55 (47%) нафар бемор симпатикотоник, 62 (53%) нафар бемор ваготоник деб баҳоланди ($p < 0,05$) (6-расмга қаранг).




6-расм. Кердо индекси бўйича вегетатив асаб тизими ўзгаришлари.

Хильденбрандт коэффиценти — ВНСнинг симпатик ёки парасимпатик қисми устунлигини баҳолашда ишлатиладиган кўрсаткич бўлиб, қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K = \frac{ЮҚС}{НС}$$


нормада $K = 2,8-4,9$. $K > 4,9$ – симпатикотоник, $K < 2,8$ – ваготоник.

Хильденбрандт коэффиценти кўрсаткичлари беморларда ва амалий соғлом инсонларда таҳлил қилинганда, СЗБО мавжуд беморларда симпатик нерв системаси устунлик қилиши 48 % ҳолатда аниқланди ($p>0,05$) (7-расмга қаранг).




7-расм. Хильденбрандт коэффиценти кўрсаткичлари

Амалий соғлом инсонларда T1, T2, FLAIR режимларда бош миёда ўчоқли белгилар аниқланмади. СЗБО беморларида 77.4% ҳолатда бош миёда ўзгаришлар аниқланмади, 22.6% ҳолатда бош миё пўстлоқ соҳаларида гипотрофия, пўстлоқ ости структураларида ва перивентрикуляр соҳаларда инфилтратив ўзгаришлар аниқланди(8-расмга қаранг).



А




Б

8-расм. МРТ T2 режимларда аксиал ва сагиттал кесимларида патологик ўзгаришлар (А, Б) аниқланмади.

ЭЭГ текширувлари бош миё биоэлектрик фаоллиги енгил ва ўртача даражада диффуз ўзгаришлари борлиги аниқланди. Эпилепсияга хос бўлган белгилар (спайк, полиспайк, пик, полипик, ўткир секин тўлқинлар) СЗБО мавжуд беморларда мутлақо аниқланмади. СЗБО мавжуд беморлари ва назорат гуруҳи беморлари ЭЭГ текширувларида қуйидаги фарқлар аниқланди. Назорат гуруҳи беморларида альфа ритм СЗБО беморларига нисбатан доминантлик қилди. Альфа ритм ностабиллиги (ўртача частота фақат 59% ҳолда кузатилди). СЗБО мавжуд беморларида 24% ҳолда, назорат гуруҳи беморларида 10% ҳолда алфа ритм частотаси 8-9 Гцни ташкил этди. Алфа ритм частотаси 11 Гц дан юқорилиги СЗБО мавжуд беморларнинг 13% ида кузатилди. СЗБО мавжуд беморларида альфа ритм нотурғунлиги кузатилди (59% ҳолда унинг спонтан редукциясини кўрдик), альфа ритм шакли эса соғлом кишиларга қараганда учи ўткирлашган эди (76%).

СЗБО мавжуд беморларида бета ритм яққоллиги соғлом кишиларга караганда камроқ ифодаланди (84%), билатерал синхрон бета ритм кўпроқ кузатилди (76%, ундан 72%и мия пўстлоғи олд проекциясида бўлди), шунингдек дельта тўлқин (22%, улардан 10%и диффуз ва 12%и билатерал синхрон ҳолда) мавжудлиги кузатилди. Алоҳида ўткирлашган альфа ва бета диапазондаги потенциаллар СЗБО мавжуд беморларда 48%га кўпроқ кузатилди (назорат гуруҳида 20%) (9-расмга қаранг).



9-расм. СЗБО ва назорат гуруҳи ЭЭГ паттернлари визуал таҳлили фарқи кўрсаткичлари.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Гирудотерапия қўллаш орқали сурункали зўриқишдаги бош оғриғини комплекс даволаш натижалари” деб номланган, унда СЗБОда гирудотерапиянинг самарадорлиги ўрганилган. СЗБОни даволаш асосида барча потенциал экзоген триггерларни бартараф қилиш, оғриқни даволаш стандартлари асосида даволаш орқали назорат қилиш ётади. Беморлар бош оғриғини қўзғатувчи омиллардан узоқроқ бўлиши керак. Беморларда гирудотерапиянинг самарадорлигини кузатиш мақсадида беморлар 2 гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳни СЗБО кузатилган 57 нафар бемор ташкил этиб, уларга анъанавий даво муолажаси қўлланилди. Даво усули сифатида бош оғриқларини даволаш Европа стандарти, Россия цефалгологлари томонидан 2017- йилда қабул қилинган стандартлардан фойдаланилди. 1-гуруҳ беморларига анъанавий даво сифатида бошида амитриптилин дори воситаси 5 мг кечкурун, секин-аста 3 кун давомида дори дозасини ошириб бориб эрталаб 12,5 мг, кечкурун 25 мг бердик, ҳар 3-4 кунда доза ошириб борилиб кундузи 12,5 мг, кечкурун 37,5 мг бердик. Амитриптилин дори воситаси сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари профилактикаси учун танлов воситаси самарадорлиги исботланган А гуруҳ ягона антидепрессант воситаси бўлиб, дори дозаси оширилган сари анальгетик таъсирларини намоён этади. Бу унинг 3 шоҳли нервга таъсири натижасидир. Биз биламизки, 3 шоҳли нерв СЗБО патогенетик механизмларидан биридир. Перикраниал мушаклар таранглашуви мавжуд беморларга толперизон (мидокалм) дори воситаси

150 мг 1 таблеткадан 3 маҳал берилди. Бошланғич дозаси 150 мг, 4-5 кун ичида дори дозаси 450 мггача оширилди. Мазкур дори воситаси унинг бош оғриқ компонентларига кўп компонентли таъсири ва бошқа дори воситалари билан комбинацияланиб ишлатилиши мумкинлиги сабабли қўлланилди. Оғриқ хуружларида ностероид яллиғланишга қарши дори воситаси ибупрофен 400 мг қўлланилди.

Иккинчи гуруҳни СЗБО мавжуд 60 нафар бемор ташкил этиб, уларга анъанавий даво+гирудотерапия усули қўлланилди. Гирудотерапия қўллашга услубий ёндашув қуйидагича: гирудотерапия қўлланиладиган хонанинг ҳарорати +22С дан +25С гача бўлиши керак. Зулук қўйиладиган жой илик сувда ҳўлланган бинт бўлаги билан артилди. Биз гирудотерапия аспирацион услубини қўлладик, яъни *Hirudo medicinalis* тўла қон билан тўлгунича қўйилди (20 минутдан 40 минутгача). Муолажадан кейин жароҳат ўрнига асептик бойлам қўйилди. Муолажадан кейинги куни бойлам алмаштирилиб, жароҳат ўрнига 5% ли йоднинг спиртдаги эритмаси билан ишлов берилди. Зулук фақат бир марта ишлатилди ва ишлатилгач йўқ қилинди. Гирудотерапияни 3 босқичда ўтказдик.

Биринчи босқич. Энса соҳаси оғриқларида сийдик пуфаги ва ингичка ичак меридиани нуқталаридан фойдаландик: V60- кунь-лунь, IG-3хоу-си, VB-20-фан-чи. Пешона соҳаси оғриқларида ошқозон ва йўғон ичак меридианлари: E8 тоу вай, VG23 шан-син, PC3 инь-тан. Чакка соҳаси оғриқларида ўт пуфаги нуқтаси VB8 шуай-гу, тепа соҳасидаги оғриқларда VG20 бай хуэй ишлатилди. Жами 6-8 та тиббиёт зулуги ишлатилди.

Иккинчи босқич (4-кун). 6 дона тиббиёт зулугини қуйидаги нуқталарга қўйдик: T(XIII)14 (да-чжуй), PC(BM)9 (тай-ян), TR(X)18 (ци-май), V(VII)10 (тянь-чжу), VB(XI)21 (цзянь-цзин), V(VII)41 (фу-фэнь).


Учинчи босқич (6-чи кун). 6 та зулукни қуйидаги нуқталарга қўйдик: V(VII)10, VB(XI)21, VB(XI)20, T(XIII)14 (да-чжуй), PC(BM)9 (тай-ян), TR(X)18 (ци-май). Даволаш динамикасида ВАШ шкаласи кўрсаткичлари 9-расмда келтирилган (9-расмга қаранг).



10-расм. Даволаш негизда ВАШ шкаласи кўрсаткичлари.

10-расм маълумоти асосида ВАШ шкаласи кўрсаткичлари бош оғриқларининг ифодаланиш даражаси билан характерланади, ўтказилган даволаш негизда ҳар икки гуруҳ беморларда бош оғриғининг пасайиши кузатилди. Бош оғриқларининг яққол пасайиш тенденцияси СЗБО мавжуд беморларда гирудотерапия негизда бош оғриқ интенсивлигининг камайиши


кўринишида $7,4 \pm 0,87$ дан $2,1 \pm 0,35$ гача ижобий натижа кузатилди. СЗБО мавжуд беморларда анъанавий даво негизида бош оғриғининг пасайиши ВАШ бўйича бошланғич кўрсаткичнинг $4,4 \pm 0,53$ баллгача пасайгани аниқланди.



11-расм. Даволаш негизида Ч.Д.Спилберг, Ю.Л. Ханин хавотир даражасини аниқлаш шкаласи кўрсаткичлари

Ўтказилган даво чоралари натижасида жадвалдан кўришиб турибдики, юқори хавотир гуруҳи беморлари даво чораларига ёмон берилди. Айти вақтда паст ва энгил хавотир гуруҳи беморлари ҳам анъанавий давода, ҳам анъанавий+гирудотерапия усулида юқори самарадорлик кўрсатишди (10-расмга қаранг).

Даволашдан кейинги Зунг депрессияни аниқлаш тести натижаларининг таҳлилида чин депрессия ҳолати йўқолди, субдепрессив ҳолат кўрсаткичлари 70%га, невротик генезли энгил депрессия ҳолати 70%га камайди, депрессия ҳолати мавжуд эмаслиги 44 (37,6%) тадан 96 (82%) тага ошди (11-расмга қаранг).




12-расм. Зунг депрессияни аниқлаш тести натижаларининг даволашдан кейинги кўриниши

Ўтказилган муолажа натижасида ҳар иккала гуруҳда депрессия даражаси камайганлигини кўришимиз мумкин.

Тинч ҳолатдаги ЭЭГ даволангунга қадар умумий диффуз ўзгаришлар кузатилиб, альфа ритм дезорганизация белгилари, бета ритм яққоллиги пасайиши, билатерал синхрон тета фаоллик, диффуз дельта тўлқинлар аниқланган. ЭЭГ паттернлар гипервентилляцияда ўзгариб, билатерал синхрон секин тўлқинли фаоллик кузатилган.

Қиёсий таққослаш шуни кўрсатдики, анъанавий даво муолажасига нисбатан анъанавий+гирудотерапия даволаш усули мия пўстлоғи биоэлектрик фаоллиги турғунлашувига олиб келади. Ҳар икки курс муолажасидан кейин альфа ритм доминантлик қилди, унинг частотаси 50% ҳолда ўртача, 37,5% ҳолда 12-13 Гцгача. Кўп ҳолда альфа ритм нотурғунлиги ва ўткирлашганлиги сақланиб қолди. Бета фаоллигининг яққол ошиши (100% ҳолда аниқ ифодаланган диффуз бета ритм) ҳамда билатерал синхрон тета фаоллик пасайиши (75%) кузатилган бўлса, дельта ритм йўқолди. ГВда билатерал синхрон секин тўлқинлар ишончли камайди (25%), альфа фаоллигининг олд проекцияда тарқалиши учради (75%).



13-расм. Даво муолажаларидан кейин СЗБО мавжуд беморларда ЭЭГ текшируви натижалари

Тинч ҳолатдаги ЭЭГ даволангунга қадар умумий диффуз ўзгаришлар кузатилиб, алфа ритм дезорганизация белгилари, бета ритм яққоллиги

пасайиши, билатерал синхрон тета фаоллик, диффуз делта тўлқинлар аниқланган. ЭЭГ паттернлар гипервентиляцияда ўзгариб, билатерал синхрон секин тўлқинли фаоллик кузатилган.

Қиёсий таққослаш шуни кўрсатадики, анъанавий ва анъанавий+гирудотерапия даволаш усуллари мия пўстлоғи биоэлектрик фаоллиги турғунлашувига олиб келади. Ҳар иккала гуруҳдаги муолажалардан кейин алфа ритм доминантлик қилди, унинг частотаси 50% ҳолда ўртача, 37,5% ҳолда 12-13 Гцгача. Алфа ва бета ритм экзалтацияси камайди. Кўп ҳолда алфа ритм нотурғунлиги ва ўткирлашганлиги сақланиб қолди. Бета фаолликнинг яққоллиги ошиши (100% ҳолда аниқ ифодаланган диффуз бета ритм), билатерал синхрон тета фаоллик пасайиши (75%), дельта ритм йўқолиши, гипервентиляция (ГВ) га реакция типларининг ўзгариши, делта тўлқинларнинг йўқолиши, ГВда билатерал синхрон секин тўлқинлар ишончли камайиши (25%), алфа фаолликнинг олд проекцияда тарқалиши (75%) кузатилди.

Ўтказилган даво чораларидан кейин ижобий ўзгаришлар бўлди: алфа ва бета фаоллик турғунлашди, паст частотали ритмлар (тета ва делта) камайди. Бош мия биоэлектрик фаоллиги яхшиланди ГВ да даволангунча билатерал синхрон секин тўлқинли фаоллик 75% бўлган бўлса, даволангандан кейин алфа ритм олд проекцияларда синхронлашади (4.7-жадвал). СЗБО мавжуд беморлар ЭЭГ текширувида эпилепсияга хос белгилар ҳамда маҳаллий ўзгаришлар аниқланмади. Пешона соҳаси тета ритмлари ошиши СЗБО билан касалланганларда соғлом кишиларга қараганда юқорилиги аниқланди. Пешона бўлагидаги ўзгаришлар касаллик давомийлигига, руҳий тизим бузилишларига, перикраниал мушаклар таранглашувига ва дори воситасини суиистеъмол қилишга боғлиқ. Гирудотерапияни акупунктур нуқталарга қўллаш секин ритмлар пасайиб, альфа ритм яққоллиги ошишига олиб келди, бу даво самарадорлигини баҳолаш мезони бўла олади. Альфа ритм яққоллиги ошиши гирудотерапиянинг микроциркуляцияни яхшилаш, антиоксидант, антигипоксанти хусусиятлари эвазига келиб чиқади.

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали зўриқишдаги бош оғриқларида гирудотерапиядан фойдаланиш алгоритмини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Даволангунга қадар СЗБО беморлари клиник маълумотлари таҳлили ВАШ шкаласи ва Мак-Гигл эволютив шкаласи маълумотлари интерпретацияси мослигини кўрсатди. ВАШ маълумотлари ва Мак-Гигл сўровномаси маълумотлари асосида СЗБОда БО ўртача интенсивликни кўрсатди. Эволютив шкала бўйича оғриқ кўрсаткичлари оғриқнинг аффектив ёки эмоционал ташкиллаштирувчилари ҳисобига бўлди. ВАШ шкаласида эмоционал ҳолат оғриқ интенсивлигини баҳолашга кам таъсир этди.

Перикраниал мушаклар таранглашуви 71 нафар беморда аниқланди (60.9%), 46 нафарида (39.1%) мушак таранглашуви кузатилмади. Дефанс бир неча гуруҳ мушакларида кузатилди ва асосан билатерал хусусиятга эга бўлди, таранглашув яққоллиги кўпинча асимметрик бўлди.

2. СЗБОни даволашда Спилберг-Ханин бўйича бемор шахс хавотири даражаси прогностик аҳамиятга эга бўлди, перикраниал мушаклар таранглашуви омилнинг муолажага таъсири статистик аҳамиятга таъсир этмади ($P>0.05$). Юқори даражадаги шахс хавотири бўлган беморлар ўтказилган терапия натижасида юқори самарадорлик кўрсатмади ($P<0.05$), бу кўрсаткичлар бош оғриғи кундалигида ўз аксини топди. Зунг тести депрессия ҳолати гирудотерапия натижасида пасайиш тенденцияси кузатилди.


3. Нейрофизиологик текширув СЗБО беморлари ЭЭГ картинасида эпилепсияга хос белгилар ҳамда маҳаллий ўзгаришлар аниқланмади. Пешона соҳаси тета ритмлари ошиши СЗБО билан касалланганларда соғлом кишиларга қараганда юқорилиги аниқланди. Пешона бўлагидagi ўзгаришлар касаллик давомийлигига, руҳий тизим бузилишларига, перикраниал мушаклар таранглашувига ва дори воситасини суиистеъмол қилишга боғлиқ. Гирудотерапияни акупунктур нуқталарга қўллаш секин ритмлар пасайиб, альфа ритм яққоллиги ошишига олиб келди, бу терапия эффективлигини баҳолаш мезони бўлиши мумкин.

4. Ишлаб чиқилган гирудотерапияни акупунктур нуқталарга қўллаш усули биологик фаол нуқталарни узоқ таъсирлаш, перикраниал мускулларда маҳаллий, сегментар ва умумий рефлексотерапевтик реакция, тиббиёт зулугининг маҳаллий ва умумий таъсири ҳисобига периферик сенситизациянинг пасайиши ҳисобига кечади, бу оғриқ интенсивлиги пасайиши (ВАШ шкаласи бўйича 2 баллгача), Спилберг-Ханин шкаласи бўйича енгил ва паст хавотирнинг 80%га ва Зунг сўровномаси бўйича депрессиянинг 70%га пасайиши, шунингдек, Мак-Гигл сўровномаси бўйича оғриқнинг аффектив эмоционал ташкиллаштирувчилари камайиши статистик аҳамиятли ($P<0.05$).

5. Анъанавий давога гирудотерапияни қўшиб олиб бориш медикаментоз терапия ножўя таъсирларини камайтиради, умумий комедикацияни камайтиради. СЗБО касаллигини даволашда тиббиёт зулугидан касалликнинг қайси босқичда эканлигидан қатъий назар фойдаланиш мумкин.

Сурункали зўриқишдаги бош оғриқларида тавсия этилган даволаш усули алгоритми

6



⁶ Шахсий ишланма

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВА ДИЛАФРУЗ БАХОДИРОВА

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АЛГОРИТМА ПРИМЕНЕНИЯ
ГИРУДОТЕРАПИИ ДЛЯ ПРОФИЛАКТИКИ ХРОНИЧЕСКОЙ
ГОЛОВНОЙ БОЛИ НАПРЯЖЕНИЯ**

14.00.13 – Неврология

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

БУХАРА – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Tib2111

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный консультант

Ходжиева Дилбар Таджиевна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты

Туруспекова Сауле Тлеубергеновна
доктор медицинских наук
(Республика Казахстан)

Азизова Раъно Баходировна
доктор медицинских наук


Ведущая организация


Самаркандский государственный медицинский институт


Защита диссертации состоится « 16 » декабрь 2021 года в 12³⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 012) (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « 04 » декабрь 2021 года
(реестр протокола рассылки № _____ от « 04 » декабрь 2021 года).


Г.А. Ихтиярова
Заместитель председателя
Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор


С.С. Пулатов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат медицинских наук,
доцент


Г.А. Ихтиярова
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук,
профессор



ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, головные боли занимают 3-е место среди заболеваний, приводящих к нетрудоспособности. В разных странах мира это заболевание встречается в три раза чаще - до 50 % среди взрослого населения, 1,7-4 % взрослого населения страдает хроническими головными болями⁷. В научных источниках приводятся такие данные "... 85% населения страдает головными болями, 40% из них чувствуют слабость социальной и трудовой деятельности, а это требует квалифицированной медицинской помощи....."⁸. По данным Всемирной организации здравоохранения, более трех четвертей населения в возрасте от 18 до 65 лет хотя бы раз за последний год испытывали приступ головной боли, в то время как хронические головные боли напряжения наблюдаются примерно у 2-3 % населения⁹. Эпизодические формы головной боли напряжения не считаются серьезной медицинской или социальной проблемой, в то время как головные боли хронического напряжения сопровождаются различными коморбидными расстройствами (депрессия, нарушения сна, соматоформные расстройства) с явным нарушением функционирования и качества повседневной жизни пациента, трудность выбора эффективного лечения выводит головную боль хронического напряжения на уровень сложной социально-медицинской проблемы.

В мире проводится ряд научных исследований по мерам профилактики клинических неврологических и нейропсихологических изменений при хронических головных болях напряжения, созданию фундаментальных основ ранней диагностики и созданию эффективных методов лечения. Межотраслевые исследования, проведенные в разных странах, показали, что изменения в высшей нервной системе и вегетативной системе при хронических головных болях напряжения проявляются по-разному в динамике и проявляются специфическим симптомокомплексом. Учитывая это, особое значение имеет сравнительная диагностика клинико-неврологических, нейропсихологических расстройств, нейрофизиологических и нейровизуальных изменений у пациентов с хронической головной болью напряжения, ранняя диагностика пациентов и их ранние реабилитационные мероприятия, предложение профилактических методов основанные на этиопатогенетике; совершенствование разработки методов оценки эффективности лечения.

В нашей стране осуществляются целенаправленные и практические меры по реформированию системы здравоохранения и приведению ее в соответствие с мировыми требованиями, принимаются меры по профилактике заболевания у пациентов с хроническими головными болями напряжения, разрабатываются

¹Лихачев С.А. Возможности лечения хронической головной боли препаратами ботулотоксин типа

²Наприенко М. В., Головная боль напряжения. Повторение пройденного// Consilium medicum.2019-80

³ЖССТ документация маркази. Бош огриғи. Информацион бюллетень № 277, 2012 йил октябрь

эффективные методы ранней диагностики и лечения. В связи с этим определены такие задачи как "...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения..."¹⁰. Данные задачи являются одним из актуальных научных направлений реализации практики оценки клинико-неврологических, нейропсихологических, нейрофизиологических и нейровизуальных эффектов эффективности метода гирудотерапии в комплексном лечении головных болей хронического напряжения у больных.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6110 «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельности первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения» от 12 ноября 2020 года и Постановлении Президента Республики № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики» от 12 ноября 2020 года и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики – VI «Медицина и фармакология».

